



2019 йил 28 июнь

№ 272/5-41

Термиз шаҳри

Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, мархумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари бўйича комиссиясининг ҳисоботи.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 29 июндаги “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, мархумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида”ги ҚҚ-394-III-сон Қарорининг ижросини таъминлаш, вилоятда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, мархумларнинг хотирасига бағишланган тадбирларни ихчамлаштириш мақсадида халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, мархумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари бўйича комиссияси раиси Чориев Абдураим Равшановичнинг ҳисоботи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят комиссияси (А.Чориев):

тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, мархумларнинг хотирасига бағишланган тадбирларни ихчамлаштириш, намунали оилавий тадбирлар ўтказилишини ва ушбу масалада тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтирсин ҳамда доимий мониторинги таҳлил натижаларини тегишли масъулларга тақдим этиб борсин;

халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларидаги комиссия фаолиятини танқидий-таҳлилий тарзда доимий ўрганишни ташкил этсин ва Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси муҳокамасига киритиб борсин;

тўй эгалари томонидан миллий урф-одат ва анъаналарни менсимаслик, шухратпарастлик, исрофгарчилик, миллий ва диний қадриятларга, ахлоқ қоидаларига зид бўлган маросимлар, номақбул ҳамда янгича одатлар ҳолатларига йўл қўйилаётган ҳатти-ҳаракатлар бўйича жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиб борсин;

оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда оилавий тадбирларнинг урф-одатлар ва анъаналарга риоя қилган ҳолда ўтказилиши юзасидан кўрсатувлар, эшиттиришлар, материалларнинг етарли емаслигидан келиб чиқиб, бу борадаги ишларни жонлантирсин.

3. Вилоят комиссияси (А.Чориев) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши (Р.Авазов) билан биргаликда:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва унинг ҳузуридаги оилавий тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш бўйича комиссиялар фаолиятини кучайтсин;

тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирларни тартибли ўтказиш юзасидан ҳар бир шаҳар ва туманлардаги секторлар кесимида 4 тадан маҳаллаларда намунали тарзда ташкил этиш чораларини кўрсин;

намунали оилавий тадбирларни ташкил этиш истагини билдирган ва бундай тадбирларни ташкил этган шахсларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бориш чораларини кўрсин;

фуқаролар йиғини ҳузуридаги оилавий тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш бўйича комиссия ҳар ойда ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларидаги Комиссияга тақдим этиб бориш амалиётини йўлга қўйсин.

4. Ушбу Қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш, ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ф.Шарипов зиммасига юклатилсин.

5. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Сессия раиси



А.Артиқов